


“НУТҚ МАДАНИЯТИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ



Озода ДАДАЖОНОВА

катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Мақолада талабалар оғзаки нутқини ўстириш, уларда ўз фикрини мустақил ва эркин ифодалаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берадиган методлар кўриб чиқилган. Бундай методлар талабаларнинг гапни мустақил таҳлил қилиб, грамматик хулосалар чиқариш, берилган саволларга тез ва батафсил жавоб бериш, шеърини парча ва ҳикматларни давом эттира олиш ва улар моҳиятини очиб билишга йўналтиради.

Аннотация

В статье рассматриваются методы, способствующие развитию устной монологической речи студентов, а также навыки самостоятельного и свободного высказывания своих мыслей. Такие методы помогают студентам самостоятельно сделать грамматический вывод, анализируя предложения, оперативно и подробно отвечать на вопросы.

Abstract

In this article, it is said that, it is better to use different methods in order to improve student's oral speech. By using these methods students can analyze sentences and immediately give fluent and perfect answers to the given questions. Likewise, it enables students to interpret the rest of the poem and aphorisms as well as it improves student's ability to give their personal opinions to solve problems.

Калит сўзлар: троп, услубий фигуралар, градация, анафора, антитеза, риторик сўроқ, метод, таҳлил, шеърини парча, матн.

Ключевые слова: троп, стилистические фигуры, градация, анафора, антитеза, риторический вопрос, метод, анализ, стихотворный отрывок, текст.

Keywords: simile, stylistic devices, gradation, anaphora, antithesis, rhetorical question, method, analysis, poetic extract, text.

Педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, унга эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабаби – анъанавий таълимда талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилганлиги. Замонавий технологиялар эса талабаларни эгаллаётган билимлари учун зарур материалларни ўзлари қидириб топишига, уларни мустақил ўрганиб таҳлил қилишга ва муайян хулосалар чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсининг шаклланиши, билим олиши ва

тарбияланиши учун шароит яратади ва шу билан бирга бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифаларини бажаради.

Талабаларга “Нутқ маданияти” фанини ўқитишда турли педагогик технологиялар ва методларни, жумладан, “Тармоқлар”, “Бумеранг”, “Веер” (елпиғич), Муаммоли вазият”(5, 19), “Нилуфар гули”, “Қарорлар шажараси”, “Ротация”, “Блиц-сўров”, “Зинама-зина” кабиларни қўллаш мумкин (6,108).

“Нутқ маданияти” фанидан ташкил этиладиган амалий машғулотлар жараёнида талабаларни далилий мисоллар таҳлили асосида назарий хулосалар чиқаришга ўргатиш ўқитиш самарадорлигини таъминлайди. Шунга кўра, тилнинг тасвирий воситаларини ўрганишда ҳам “*таҳлилдан қоидага*” принципини қўллашни муҳим деб ҳисоблаймиз.

“Қоида ихтирочиси” методи асосида “Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари” мавзусига бағишланган амалий машғулотда тарқатмалар устида ишлаш мумкин. Бунинг учун талабаларга троп ва услубий воситаларга доир мисоллар ёзилган тарқатмалар тарқатилади ва талабалардан бу икки тасвирий восита ўртасидаги фарқни очиб бериш сўралади.

Масалан, тарқатмаларда қуйидаги мисоллар берилиши мумкин:

1-тарқатма

1. *Истамайман, ризқим менинг бўлмасин ярим,
Порлаб ёнгай ё ногоҳда сўнгай кўзларим.
Яшай билмам қувониб ё гам чекиб кам-кам,
Ҳаётим ё жаннат бўлур, ё дуд, ё жаҳаннам (Ҳ. Худойбердиева).*
2. *Беқадр бўлса наҳот, Тиллардаги тароват!
Йўқолди бу кун, ҳайхот, Қабрларда ҳаловат! (Э. Воҳидов).*

2-тарқатма

1. *Ўзинг айт, Сендай қиз
Яна қайда бор, Киприклари узун кокилларидан?.. (М. Юсуф).*
2. *Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим,
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ, бу шоирга ўлим (Ҳ. Худойбердиева).*

3-тарқатма

1. *Ошиқ ўлдинг, эй кўнгил, Ғам лашкаридан қўрқмагил,
Бари чопқу олдда, Эркин, Не учун ваҳм айладинг? (Э.Воҳидов).*
2. *Чаманзорлар шудгор бўлса булбул қандоқ яйрасин,
Эрк қушчаси эрк йўқ жойда қандоқ қилиб сайрасин? (Э.Воҳидов).*

4-тарқатма

1. Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
 Ёзганда кўксимга тиг уриб ёздим.
 Дардларимга сиёҳ қор қилмай қолгач.
 Қаламни қонимга ботириб ёздим (Ҳ. Худойбердиева).

2. Қайга бормай, бошида дўптим,
 Ҳоз юрарман гердайиб,
 Олам узра номи кетган
 Ўзбекистон, ўзбегим (Э. Воҳидов).

Талабалар берилган тарқатмалардаги мисолларни лингвистик таҳлил қилиш асносида троп ва услубий воситаларга хос назарий фикрларни баён қиладилар. Масалан:

1-талаба: 1-гапта услубий фигуралардан бири антитеза келтирилган. Антитеза – юнонча сўз бўлиб, қарама-қарши қўйиш деган маънони англатади. Бу усул турида бир тушунча иккинчисини инкор этади. Келтирилган шеърий парчанинг иккинчи мисрасида *ёнгай*, *сўнгай*, учинчи мисрасида *қувониб*, *ғам чекиб*, тўртинчи мисрасида *жаннат ва жаҳаннам* сўзлари бир-бирига зид қўйилади. 2-шеърий мисрада бу дунёдан ўтиб кетганлар қабр сўзи орқали кўчма маънода берилган. Шоир назарида инсонларнинг ўз она тилига бўлган муносабати ҳатто қабр эгалари ҳаловатининг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Бундай метонимик ифода орқали норозилик, ачиниш, огоҳликка даъват каби субъектив муносабатлар ифодаланган.

2-талаба: 1-шеърий парчада троплардан бири муболаға берилган. Бунда шоир қизнинг киприкларини сочларидан ҳам узун деб бўрттириб тасвирлайди. 2-гапта услубий фигуралардан анафора берилган. Анафора – шеърий мисраларнинг бошида ёки насрий асардаги гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдош сўз ва ибораларнинг такрорланиб келиши. Анафоралар поэтик нутқда ижодкор томонидан маълум мақсадда қўлланиб, шеърнинг бадиийлигини оширади, ўқувчи қалбига кучли ҳиссий таъсир кўрсатади.

3-талаба: 1-шеърий парчада ғам лашкари бирикмаси метафорик маънода қўлланган. Ғам сўзи ўз маъносида, лашкар сўзи жуда кўп аскарлардан ташкил топган қўшин маъносини ифодалайди. Ғам лашкари бирикмаси перифрастик метафора бўлиб, лашкар сўзининг семантик таркибидаги “сон-саноксиз” семаси ошиқ кўнглидаги ғам-алам туйғусининг чексизлигига ишора қилади(3, 28). 2-парчада қандоқ олмошини қўллаш орқали риторик сўроқ ҳосил қилинган. Бу жумлада шоир “булбул яйролмайдди, сайролмайдди” ахборотини риторик сўроқ орқали яширин ифода этмоқда.

4-талаба: 1-шеърий парчага эътибор берсак, шеър ёзиш ҳолати босқичма-босқич кучайиб боришини кўрамиз. Яъни кундуз юриб, тун туриб, кўксига тиғ уриб, қаламни қонига ботириб ёзиши градация ҳолатида берилган. 2-шеърий мисрада “Ғоз юрарман гердайиб” жумласи асли “Ғоздек юрарман гердайиб” шаклида бўлиб, -дек ўхшатиш аффикси белгисиз қўлланган. Мисра умумий мазмунидан ғознинг қоматини тик тутиб юриши инсоннинг гердайиб юришига қиёсланган. Демак шоир ўхшатишдан унумли фойдаланмоқда. Ўхшатиш тропнинг таркибига киради.

Талабалар тилнинг тасвирий воситалари юзасидан билдирган фикрлари асосида қуйидаги умумлашма хулосаларни баён этишлари мумкин:

Троп нутқда сўз ёки ибораларнинг кўчма маънода ишлатишдир (2;98). Уларга метофора, метонимия, синекдоха, эпитет, ўхшатиш, муболаға, киноя, жонлантириш кабилар киради. Услубий воситалар мусиқа ва такрорланувчи мусиқий жумлалар каби нутқни оҳангдор ва жозибадор қилиш, шу йўл билан унинг тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик воситадир(1, 228).

“Шарқ воизлик санъати вакиллари” мавзусини ўтишда **“Тафаккур дурдонаси”** методини қўллаш мумкин. Бу методдан дарсни мустақкамлаш ёки ўтилган мавзуларни такрорлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бу метод талабаларни тез ва аниқ фикрлашга ўргатади, дунёқарашини кенгайтиради, оғзаки нутқини ўстиради, хотирасини чархлайди. Уни қўллашда қуйидагиларга амал қилинади.

1. Саволлар ўқитувчи томонидан аввалдан тайёрлаб қўйилиши керак.
2. Жавобни ўйлаш учун вақт берилмаслиги аввалдан айтилади.
3. Гуруҳлар билан ишлашда саволларнинг миқдор ва мазмунан яқинлигига алоҳида эътибор берилади.
4. Гуруҳлар конвертларни танлаб олади.
5. Ҳар бир гуруҳга алоҳида саволлар берилиши керак.
6. Ҳар бир саволга бир баллдан қўйилади.
7. Натижалар ўз вақтида эълон қилинади.

Саволлардан намуналар:

1. Қадимги шарқда тўққизинчи асргача ва ундан кейин воизлик вазифасини кимлар бажарган?
2. Ўн иккинчи асрдан бошлаб воизлик санъати назариясига доир қандай асарлар юзага келди?
3. Воизлик санъати неча шаклда бўлганлигини айтиб беринг.
4. Воизлик санъати тингловчиларнинг келиб чиқишига қараб неча турга ажратилган?
5. Воиз Иршод ҳақида нималарни биласиз?

6. Қози Ўшийнинг воизлик санъатига доир қандай асари бор?
7. Хожа Муайяд Меҳнагий ҳақида қандай маълумотлар бор?
8. Мавлоно Риёзий ҳақида Алишер Навоий қайси асарида маълумот берган?

9. Кошифийнинг қандай асарлари бор ва унда нутқ одобига доир қандай маслаҳатлар берилган?

10. Муин Воизнинг нотиклиги ҳақида нималар биласиз?

Кейинги дарсда талабаларнинг билимини синаш учун “Билимдонлар синови” методидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу метод талабаларни тез ва аниқ фикрлашга ўргатади, уларнинг билимларини янада оширишга ундайди, хотирани чархлайди, дунёқарашини кенгайтиради. Бунда гуруҳ иккита кичик гуруҳга бўлинади улар, дейлик, “Зукколар”, “Топқирлар” деб номланади. Уларга топшириқлар ёзилган конверт берилади. Алишер Навоийнинг сўз ҳақидаги ҳикматларидан ёки шеърий парчалариданнинг бир мисраси берилади, кейинги мисрани давом эттириш ва изоҳлаш талаб этилади. Масалан,

1. Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, ...
2. Чин дўст мўътабар, ...
3. Бефойда сўзни айтма ва...
4. Кимнинг миясида иллат бўлса, ...
5. Сўздурки, нишон берур ўликка жондин, ...
6. Ўзи дарё, сўзи дурдек муҳайё, ...
7. Гоҳ сўз била элга жон бағишлаб, ...
8. Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод айлағай, ...
9. Бир деганни икки демак хуш эмас, ...
10. Ошнинг таъми туз билан, ...

“Нуқтаи назаринг бўлсин” методидан дарснинг мустаҳкамлаш қисмида фойдаланиш мумкин. Талабалар муайян муаммога нисбатан ўз нуқтаи назарларини далиллар асосида ҳимоя қилишга ўрганадилар. Талабага муаммо муҳокамаси вақтида ўз фикрини ўзгартириш имконини бериш мумкин. Бу метод талабалар ўртасида мунозара юзага келиши ва мунозара жараёнида ўзгалар фикрини тинглай олиш, уларга қўшилиш, қўшилмаган тақдирда эса, ўз фикрини ишонарли далиллар асосида исботлаб бера олиш кўникмасини шакллантириш мақсадида қўлланади. Ўқитувчи саволлари билан дарс жараёнида фаол бўлмаган талабаларни мунозарада иштирок этишга ундайди. Бу методни ўтказишда қуйидагиларга амал қилинади:

Гуруҳ учта кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга алоҳида матн берилади. Масалан, биринчи гуруҳ учун матн:

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг: “Бу дунёда ҳамма нарса ўтқинчи”, – деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайгули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушадики, узукдаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон газаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб, узукни қўлига олади, битикни ўқийди. Сулаймон аччиқ кулимсираб, узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

Савол. Узукнинг ички томонида қандай ёзув бор эди?

2-гуруҳ учун матн:

Бир куни чўпон йигит: “Сурувларимга бўри ташланди, бўри, бўри!, деб ёлгондан додлади. Қўшни чўпонлар тезда тўпландилар, аммо ҳеч қандай бўри йўқ эди. Қўшни чўпонлар:

– Бўри қани, қаерда?! – деб сўрадилар.

Ёлгончи чўпон:

– Ёлгондан бақирдим, сизларни алдадим, – деди.

У яна бир куни: “Бўри, бўри, бўри қўйларимни таламоқда”, – деб бақирди. Аммо қўшни чўпонлардан бирортаси ёрдамга келмади. “Ёлгончи чўпоннинг ёлгон сўзларидир”, деб ўйладилар. Аслида, ўша куни чўпоннинг сурувига бўри оралаган эди. Бўри ёлгончи чўпоннинг қўйларини бўғиб еб кетди.

Ёлгон сўзни гапириш ёки аралаштириш жуда ёмон иллатдир. У бошқаларга катта зарар келтиради. Сўзловчининг ўзи ҳам ундан азият чекади, жамият олдида бебурд бўлади.

Савол. Ҳаётда турли ҳолатда ёлгон сўзни аралаштириш керак деб ўйлайсизми?

Учинчи гуруҳ учун матн:

Узум ҳақида масал.

Бир-бирини тушунмаслик дўстни душманга айлантириши ҳақида Румийнинг шундай масали бор.

Турли тилда турлича айтилган бир сўз баъзан ўзаро низога сабаб бўлади. Турк, араб, форс ва юнон миллатидан бўлган тўрт нафар йўловчига бир сахий одам танга ҳадя этади. Йўловчилар ўртасида тангани қандай сарфлаш борасида жанжал чиқади. Форсий тилда сўзловчи йўловчи шерикларига:

– Юринглар, бозорга борамиз-да, ангур сотиб оламиз,– дейди.

– Эй фирибгар!– унинг сўзини бўлади араб.–Мен ангур эмас, инаб ейишни хоҳлайман!

Туркий йўловчи эса уларнинг ҳар иккаласига эътироз билдириб, шундай дейди:

– Биродарлар, нега шовқин кўтарасизлар, балки бу пулга узум сотиб олармиз?

Юнонистонлик йўловчи эса:

– Қандай одамсиз ўзи. Келинлар, истафил сотиб оламиз-да, маза қилиб еймиз,—дейди.

Шу тариқа тўрт йўловчи бир-бирини тушунмай, жанжаллашиб қоладилар. Аслида, улар айнан бир нарсани иташарди.

Тўрт йўловчи билимсизлик, нодонлик туфайли бир-бирларини роса дўппослашди.

Агар уларнинг орасида юз тилни биладиган одам бўлганда бир сўз билан низога чек қўйиш мумкин эди.

Савол. Нега бу ҳикояда тўрт йўловчи билимсиз, нодон дейляпти?

Талабалар матнда ажратиб ёзилган гапни ёки саволни ўз нуқтаи назарлари билан изоҳлайдилар. Бунда улар нуқтаи назарини англаб олиш учун саволлар бериш мумкин. Бошқа фикрда бўлган талабаларга сўзлаш имкони берилади. Ўқитувчи билдирилган фикрларга кўшимча киритиши, тўлдириши мумкин. Бу метод талабаларни фаолликка, ижодий ва эркин фикрлашга, ташаббускорликка, оғзаки нутқининг равон бўлишига ўргатади.

Дарсга бундай методларнинг татбиқ этилиши барча талабаларни машғулотга муносабатини ўзгартиради, мустақил фикрлашга, ижод этишга, изланишга ундайди. Шунингдек, ўқитувчи талабаларнинг дарсга тайёргарлигини, қизиқишларини кузатиб бориш имконига эга бўлади ва қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолашга улгуради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шомаксудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983. – 248 б.
2. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
3. Максумова С. Бадий матннинг лингвопрагматик хусусиятлари (коннотатив аспект). – Тошкент, 2015.
4. Жиянова Н., Мўминова О., Максумова С. Нутқ маданияти (2-китоб). – Тошкент, 2016.
5. Максумова С. Нутқ маданияти асослари фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. – 2016. 1-сон. – 19–20-б.
6. Омонов Т.Н. ва б. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Тошкент, 2009.
7. Иноятов И.У. ва б. Педагогика. – Тошкент, 2013.
8. Тожиев М. ва б. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2012.
9. Товаслий Ю. Ҳикматлар хазинаси. – Тошкент, 1994.